

ECOLOGICAL PROBLEMS IN CENTRAL ASIA CAUSES OF ORIGIN

**One of the acute problems of our time
Another is global climate change.
Today, every country has this process.
feels the negative effects of Ming
Unfortunately, such changes are in Central Asia
poses a serious threat to development.**

Sh. Mirziyoyev

President of the republic of Uzbekistan

TECHMIND-2021

A.A Tojiboev

Professor of the Tashkent Medical Academy, International
“Ancient, Academician of the world scientific academy
"Antique World"



Announcement

This article summarizes how the adaptation of Uzbekistan to the cotton monopoly in the second half of the twentieth century during the Soviet totalitarian regime led to the ruthless use of water and water resources and the disruption of the natural balance in Central Asia. The savage use of nature, the construction of air-polluting factories in populated areas, air and water and land pollution have led to the disease of the human body, an entire nation, and extensive use of historical sources and the press.

Keywords

Integration, Immigration, Pesticide, Herbicide, Dioxin, Metrology, Extensive, Genaphone, Demographic, Butyphos, Monoculture.

This article is about the Independence of the Republic of Uzbekistan Dedicated to the 30th anniversary.

2021

Табиат ва атроф мухитни муҳофаза қилиш муаммоси асосан, фаолиятни натижасида, яъни инсонни табиий жараёнларга аралашуви кенгайиб ва чуқурлашиб боришни сабаби пайдо бўлади. Эндиликда бу муаммо умумбашарият учун катта ташвиш туғдирмоқда. Инсоннинг хўжалик фаолияти йилдан йилга кучайиб бормоқда, кўрик ерлар ўзлаштирилмоқда, завод-фабрикалар қурилиб, янги шаҳарлар сони кўпайиб бормоқда, хилма-хил кимёвий моддаларни қўлланишининг доираси кенгаймоқда.

Шаҳарларнинг ўсиши, янги ерлар ўзлаштирилиши фаолиятининг назоратдан четга чиқиб кетиши эса, табиатда мавжуд бўлган мувозанатни бузмоқда, ҳамда нохуш экологик вазиятни вужудга келтирмоқда.

Экологик мувозанатнинг бузилиши туфайли жаҳон маданиятига солинадиган хавф-хатарни қатор олимлар ядро уруши хавфидан кейин иккинчи ўринга, хатто баъзи олимлар уни биринчи ўринга қўмоқдалар.

“Орол муаммоси мамлакатимизга ёки Марказий Осиёгагина таалукли бўлиб қолмай, жаҳоншумул муаммо ҳамдир. Орол бўйидаги экологик вазиятнинг мушкуллашуви оқибатида бутун ер қуррасига таъсир қилиши мумкин”лигини биринчи Президентимиз **И.А.Каримов** 1993 йил 18 июнда Швецариянинг “Фонд -форум” ҳамда Иқтисодий ташкилотнинг IV сессиясида айтиб ўтқанлар.

Совет даврида амалга оширилган сиёсат туфайли йиллар оша мустаҳкамлашиб борган пахта яккахокимлиги Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистонда табиат мувозанатнинг бузилишига, сув манбалари дарёлар ўзанларининг камайиб кетишига сабаб бўлди. Маъмурий буйриқбозлик услуби асосида марказдан берилган кўрсатмаларга кўра пахта майдонлари йилдан йилга кенгайтирилди. 1980-1987 йиллар ичида пахта майдонлари 12%га ортди, яъни 230минг гектарга кўпайтирилди.

Республикада сув омборларининг сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. Натижада 5 миллиард куб метр сув бекордан бекорга буғланиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири Амударё ва Сирдарёдан суғориш учун хаддан ташқари сув сарфланиши эди. Бу ҳолат Орол денгизини қуришига олиб келди.

1980-чи йилларга келиб Республикада ҳар гектарига сарфланадиган сув ўртача миқдори 17-18 минг куб метрнинг ташкил этди, яъни нормадагидан икки барабар ортиқ сарфланди.

Марказий Осиёда энг йирик Туямўйин сув омбори Куйбышевлик лойихачилар ва Ўзгидроводхоз мутахасисларнинг таклифига асосан Султон Санжар туз кони устига қурилди. Оқибатда Хоразм вилояти туздан маҳрум бўлди. Шўр сув эса Хоразм ерларида оқа бошлади, натижада Хоразмда экологик вазият жуда ёмонлашди.

Республикада сув омборлари ҳисобига шўрланган ерлар 1млн.643минг.800гек. ташкил этди. Булар асосан:

Сирдарёда - 22,6 %

Андижонда - 23,1 %

Наманганда - 47,9 % ташкил қилди.

Табиатдан вахшийларча фойдаланилди. Хавони бузадиган заводлар аҳоли яшайдиган жойларга қурилди, чиқиндилар эса сув ховзаларига оқизилди. Натижада, ер, сув ва ҳаво захарланди. Албатта бунинг натижасида инсон организми, авлод касалга дучор бўлади.

Ўрта Осиёда экологияни салбий оқибатлари орқали туғилаётган гўдакларнинг касаллигини миқдори 130 мингтага етди.

Орол денгизи сатҳи чуқурлиги 52,4 метр, сувни хажми 1064 куб.км., сувнинг юзаси 68минг кв.км. ташкил этган. Бир литр сувдаги минераллашув даражаси : 10-11гр. ташкил этган бўлса яна Сирдарё ва Амударёдан 56 куб.км. сув келиб қўшилар эди.

1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувни 32,8 м., сув хажми 400 куб., сув юзасининг майдони 32,5 кв.км. тушиб қолди. Сувнинг минераллашуви 2 баробарга ортди, бунинг натижасида экин экиладиган ерларнинг тинка - мадори қуриди. Озиқ - овқат маҳсулатлари етиштирилиши чекланди. Ўрта Осиё, Қорақалпоғистон ва бутун Ўзбекистон учун экологик кулфат бўлди.

Кимёвий моддаларни керагидан ортиқ фойдаланишининг зарарли оқибатлари натижасида халқни бошига кулфат ёғилди.

Кейинги 70 - 80 йиллар давомига келиб ҳар йили республика қишлоқ хўжалигида 100 000 тоннага яқин захарли кимёвий моддалар ишлатилиб келинадиган бўлди.

Ҳар гектар ерга солинадиган захарли кимёвий моддалар миқдори (Жаҳон миқёсида):

№	ДАВЛАТЛАР	Миқдори кг.
1	Ўзбекистон	54,4
2	Иттифокда	3,0
3	Европа давлатларида	2,0
4	АҚШда	3,0
5	СССРда	1,0
6	Дунё бўйича ўртача	300гр

Кимёвий моддалар Гербицидлар ва Пестицидлар билан ишлаш 1967 йилда 27 тури ишлатилган бўлса, 1980 йилларга келиб 80 туридан ортиқроғи ишлатилди.

Олимларнинг гувоҳлик беришича бу хавф АЭСларнинг радиоактив чиқиндиси хавфидан 9 баробар кўп экан.

Иттифок тасарруфида бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, рангли металлургия, нефть киме ва бошқа вазирликларга қарашли корхоналар захарли моддаларни хавога чиқариши натижасида Республикада:

- | | |
|-------------------------------------|----------|
| 1. Олмалик шаҳар аҳоли жон бошига | 1374 кг. |
| 2. Фарғона вилояти аҳоли жон бошига | 676 кг. |
| 3. Навоий вилояти аҳоли жон бошига | 606 кг. |
| 4. Ангрэн шаҳри аҳоли жон бошига | 509 кг. |

Захарли чикиндилар тўғри келар эди.

Ўзбекистонда захарли кимёвий моддалари ишлаб чиқариш жойларга тарқатилиши 4,2 миллион тоннага кўпайди. Натижада, Иттифокдаги экология жиҳатдан энг хатарли хисобланган шаҳарлар хисобига 10дан ортиқ Ўзбекистон шаҳарлари киритилди. Булар; Олмалик, Навоий, Фарғона....

Бундай экологик таъсир инсон организмга салбий таъсир қилиб унинг наслини генафонини бузилишига олиб келди.

Қишлоқ аёлларининг кўпчилига камқонлик касалликларга чалинган ва кўзи ёриган;
 Мисоллар:

Вилоятлар	Туманлар	Миқдори(%)
1. Фарғона	Боғдод	70
2. Сурхандарё	Ангор	84
3. Қорақалпоғистон		90

Бу касаллик бўйича Иттифокда – 27,3% ташкил қилган бўлса, бизда 80% ташкил қилади.

Қорин тифи касаллик Орол бўйида 30 баробарга ортди.

Сариқ касаллик 7 баробарга ортди. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви Орол денгизи хавзасидаги 35 миллионга яқин аҳолининг турмуш шароитига, уларнинг саломатлигига бевосита ва билвосита салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда бир врач-педиатрга 807та бола тўғри келади.

Бойсунда – 1312 та

Шўрчида - 1615 та

Шаргунда - 211 та

Республикада 1 врачга хамшира сони 2,9 та

АҚШда - 8 та

Германияда - 9 та

Японияда - 19 та тўғри келади.

Мустабид совет тузумининг мудҳиш хатоси бўлган Орол фожиаси кун сайин мураккаблашиб бораверди. Орол денгизини чекиниши натижасида Марказий Осиё минтақасида туз-қумли бўронлар сони бир неча баробар ошдики, натижада ҳар йили осмонга 70 миллион тоннадан зиёд захарли аралашмалар кўтарилди.

Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Хоразм вилояти ва Туркменистоннинг Ташовуз вилоятининг ҳар гектар ерига йилига 600-700кг.дан туз қумли чанглар ёғилар эди. Захарли моддалар чиқити таркибида 100 хилдан ортиқ захарли моддалар мавжуд эди.

Ўзбекистон мустақиллигига эришгандан сўнг экологик муаммони ҳал қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш энг долзарб муаммо бўлиб қолди ва Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов 1993 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида маъруза қилиб, Жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол муаммосига қаратди. Орол денгизининг ҳалокати бутун Дунё учун олдиндан айтиб болмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда деб таъкидлаб ўтди.

Фойдаланилган манбаа ва адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мизийёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75 сессиясидаги нутқи. Халқ Сўзи. 2020 24 сентябрь № 202 (7704).
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1,- Тошкент, Ўзбекистон. 1996-245б.
3. Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. Тошкент Фан 1995й. 39-72, 96 бетлар. 2454 фонд, 6 рўйхат, 2675фонд 1 рўйхат.
4. Ўз РМДА
5. Чориев А., Чориев С. Миллатлараро муносабат маданияти. 1993й. 96 бет.
6. Журнал “Ўзбекистон коммунисти” № 1- 37 бет.
7. Газета “Литературная газета” 27 соң, 1998й.
8. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари Т.: Ўзбекистон, 1991-221.
9. Бегматов Э. “Халқаро ҳамкорлик ва иқтисодий алоқалар” Т., Мехнат., 1992 – 112 б.
10. Тожибоев А.А. Махсус курс. Президент асарларини ўрганиш бўйича услубий қўлланма. Т. 2000й., 18 б.